

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 670-ҳадис

670 - **Абу Марям ал-Аздий** розияллоху анхудан ривоят қилинади: **«Аллоҳ кимни мусулмонларнинг бирор ишига раҳбар қилиб қўйса ва уларнинг ҳожат, эҳтиёж ва фақирликларини эшитишдан тўсилиб олса, Аллоҳ ҳам Қиёмат куни унинг эҳтиёжи, ҳожати ва муҳтожлигини эшитишдан ҳижобланади».**

1. Абу Марям ал-Аздий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Бу киши Муовия розияллоху анхуга: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан:

«Аллоҳ кимни мусулмонларнинг бирор ишига раҳбар қилиб қўйса ва уларнинг ҳожат, эҳтиёж ва фақирликларини эшитишдан тўсилиб олса, Аллоҳ ҳам Қиёмат куни унинг эҳтиёжи, ҳожати ва муҳтожлигини эшитишдан ҳижобланади».

Шундан кейин Муовия одамларнинг эҳтиёжи учун бир кишини тайин қилиб қўйди».

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

